



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ШАНБА

СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 113 (9359).

• 1988 йил II июнь • Баҳоси 3 тийин.

1988 йил 9 июнь куні Москва вақти билан соат 19 дан 57 минут ўтганда «Союз ТМ-5» космик кемаси «Мир» илмий-тадқиқот комплекси билан туташтирилди.

Халқаро экипаж — совет космонавтлари Владимир Титов, Му-са Манаров, Анатолий Соловьев, Виктор Савиних ва болгар космонавти Александр Александров. Ер атрофидаги орбитада бирга-

ТАСС АХБОРОТИ

## ОРБИТАДА ТУТАШУВ

«Мир» комплексида совет-болгар экипажи ишламоқда

ликдаги тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажаришга киришди. Совет Иттифоқи ва Болгария олимлари томонидан тайёрлан-

ган парвознинг илмий программаси 8 кунга мўлжалланган.

Халқаро экипаж астрофизик тадқиқотларнинг кенг программасини бажариши, Ер сатҳини,

шу жумладан Болгария Халқ Республикаси территориясини суратга олиши керак. Шунингдек, медицина-биология тадқиқотлари, космик материалшунослика до-

ир экспериментлар ўтказиш режалаштирилган. Биргаликдаги ишларнинг анчагина қисми Болгария мутахассислари яратган ва орбитага «Прогресс-36» юк кемасида келтирилган илмий аппаратлардан фойдаланиб бажарилади.

«Мир» орбитал комплексининг борт системалари нормал ишлаб турибди.

Титов, Манаров, Соловьев, Савиних ва Александров ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари  
ўртоқ Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВга,  
БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси  
ўртоқ Тодор ЖИВКОВга

Совет ва болгар космонавтларидан иборат халқаро экипаж «Мир» орбитал комплексида биргаликдаги илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажаришга киришганлигини маълум қиламиз.

Учувчи бошқарадиган комплекс борт системалари ва илмий аппаратлар нормал ишламоқда.

Учининг белгиланган программасини муваффақиятли бажариш учун бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни сарфлаймиз.

Яшасин Совет Иттифоқи ва Болгария халқлари ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстлик.

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг экипажи: В. ТИТОВ, М. МАНАРОВ, А. СОЛОВЬЕВ, В. САВИНИХ, А. АЛЕКСАНДРОВ.

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплекси халқаро экипажига, космонавтлар Титов, Манаров, Соловьев, Савиних, Александровга

Азиз ўртоқлар! «Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида ишни муваффақиятли бошлаганлигиниз билан сизларни чин қалбдан табриқлаймиз ва самимий қутлаймиз.

Сизлар биргаликдаги иккинчи совет — болгар космик парвозини амалга ошириш шарафига муяссар бўлдингиз. Сиз орбитада бажаришингиз лозим бўлган «Шипка» лойиҳасига доир илмий-тадқиқотлар программаси космосни тинч мақсадларни кўзлаб ўзлаштиришнинг ёрқин намунасидир. Бу программанинг бажарилиши Совет Иттифоқи ва Болгария халқ ҳўжалиги манфаатлари йўлида фан-техника тараққиётини янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишончимиз қомил.

Сизларнинг парвозингиз — сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келаятган, КПСС ва БКП раҳбарлигида ўз мамлакатларида социалистик қурилишнинг ҳозирги босқичида улкан революцион ўзгаришларни амалга ошираётган совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлигининг ёрқин мижасамидир.

Сизлар юксак ишончнинг шараф билан оқлайсизлар, деб ишонамиз. Парвоз программасини муваффақиятли бажариб, жонажон ерилизга эсон-омон қайтишингизни тилаймиз.

М. ГОРБАЧЕВ

Т. ЖИВКОВ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари  
ўртоқ Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВга,  
БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси  
ўртоқ Тодор ЖИВКОВга

Қадрли Михаил Сергеевич Горбачев ва Тодор Живков!

Самимий табрик сўзларингиз ва яхши истакларингиз учун сизларга чин қалбдан миннатдорчилик билдира-миз.

Биз, илмий-тадқиқот комплекси халқаро экипажининг аъзолари тадқиқотлар ва экспериментлар қўшма программасини муваффақиятли бажариш учун бутун кучимизни, билимимизни ва маҳоратимизни сарф-лаймиз, деб қардош мамлакатларимиз партия ва давлат раҳбарлари ва шахсан сизларга ваъда берамиз.

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг экипажи: В. ТИТОВ, М. МАНАРОВ, А. СОЛОВЬЕВ, В. САВИНИХ, А. АЛЕКСАНДРОВ.

## Хизматидан ҳамма баҳраманд

Енгил саноат индустриясининг жадал суръатлар билан ривожланаётган етакчи тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Кейинги йилларда уни юксалтиришга катта эътибор берилляпти. Совет кишиларининг кўн сайин ортиб бораётган талаб ва эҳтиёж шунини тақозо қилмоқда.

Эртага ана шу соҳа ишчи-хизматчилари шайинга таъсис этилган айём нишонланади. У умумхалқ байрами сифатида ўтади. Чунки, саноатимиз бу тармоғи меҳнат коллективлари хизматидан ҳар бир совет кишиси баҳраманд бўлмоқда. Улар ўзларининг машаққатли, шарафли ва айни вақтда масъулиятли меҳнатлари билан халқимиз дидига мос кийим-кечаклар, пойабзаллар, газламалар ва бошқа шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқдалар. Айни вақтда сифатини оширишга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Пойтахт областимиздаги ўнлаб енгил саноат корхоналари коллективлари ўзларининг касб байрамларини муносиб кўтиб олмақдалар. Эрта Чирчиқ тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бу айёмга арзирлик тортиқ билан келди. Улар маҳсулот реализация кишиш беш ойлик планини ошири билан адо этдилар. Шу даврда 25 тўдоғи буюмдан саркам 2 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот савдо шотобчаларига етказиб берилди. Корхонада таълимбали чеварлап аччагина бор. Ушбу сўбатда: шундай тикувчилаоли бчои Дания Шайхуддиновани (ўчгдан икинчи), шогирдлари Дилфуза Азимова, Шоира Хусенова ва Зулфия Қорақурсоқовалар билан суҳбатлашаётган вақтда кўриб тувибсиз.

А. Зүфаров фотоси.



• ЭРТАГА-ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ •



# КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қиламиз

• МАКТУБЛАР • ФИКРЛАР • МУЛОҲАЗАЛАР



Алло,  
РЕДАКЦИЯМИ?

А. КАРИМОВ,

ТошДУ журналистика  
факультети партия ташкилот  
секретари:

— КПСС Марказий Комитети Тезислари юзасидан кон-  
крет фикрларимиз бор. Хусу-  
сан, XIX Бутуниттифоқ партия  
конференциясида қуйидаги  
фикрларнинг алоҳида таъкид-  
ланишини истардим:

● «Қайта куришда оммавий  
ахборот ва пропаганда воси-  
талари феоал қатнашишга дэ-  
ват этилган. Улар чуқур маз-  
мунли, таъсирчан, оператив  
булиши лозим. Танқидий чи-  
қишлар бўшатирилмасин! Ошкоралик ҳақидаги Қонун  
тезроқ қучга кириши лозим».

● «Олий таълимнинг мо-  
дий техника базаси янада му-  
стаҳкамлансин. Олий мактаб  
ўқитувчисининг маъкеи янада  
юксак даражага кўтарилсин.  
Уқув-тарбия ишлари, илмий  
тадқиқотлар юксак малакали  
муҳассислар тайёрлашга  
катта эътибор берилсин».

● «Сайлаб қўйилган раҳ-  
бар партия ҳодимлари фақат  
икки мuddатга сайланиши мум-  
кин».

● «Партия аъзолик бадали-  
нинг маълум қисми бошланғич  
ташкилотлар моддий эҳтиёжла-  
ри учун шу ташкилотларда  
қолдирилсин».

● «Қексалиги, бетоблиги са-  
бабли партия ташкилотидан  
узилиб қолган коммунистларни  
партиявий жазога тортмасдан  
партия сафидан чиқариш бел-  
гилеб қўйилсин».

РЕДАКЦИЯГА КПСС Мар-  
казий Комитети Тезислари му-  
ҳокама юзасидан кўпба-  
газетхоналар телефон орқали ўз  
фикрларини айтиб туришибди.  
Тезислар муҳокамаси давом  
этмоқда.

М. АКРОМОВ,  
Паркент район партия  
комитетининг секретари.

## ҚУЙИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЭЪТИБОР

«Конференцияда КПСС-  
нинг навбатдаги съезидан  
қолган даврда партиянинг  
ўз-ўзини тозалаш ва мустаҳ-  
камлашдаги самарали воси-  
таси сифатида коммунист-  
ларнинг ижтимоий-сиёсий  
аттестациясини ўтказиш мақ-  
садга мувофиқ эканлиги ҳа-  
қидаги масала кўриб чиқи-  
лади».

КПСС Марказий Комите-  
ти Тезисларидаги бу гаплар  
областимиз коммунистлари  
учун қандай аҳамиятли экан-  
лигини таъкидлаб ўтириш-  
нинг ҳождати бўлмаса керак.  
КПСС Марказий Комитети  
Тошкент области партия таш-  
килоти бўйича қарор қабул  
қилгандан сўнг коммунист-  
лар аттестацияси ўтказиладиган  
бошланганлиги жуда тўғри  
тадбир бўлганлигини ҳаёт ис-  
ботламоқда.

Амалий шунини кўрсатмоқ-  
даки, аттестация коммунист-  
ларга эскича ёндашув ва  
одатлар юкидан ҳалос бўли-  
ш, вазиятни чуқурроқ ту-  
шуниб олишга кўмаклашмоқ-  
да. Бу талабчанлик кўриги  
вазифасини ўтамоқда. Айни  
вақтда аттестация ўз ҳақи-  
қатларини ва фаолиятсиз-  
лиг билан коммунист номи-  
га доғ тушираётганлардан то-  
заланиш воситаси ҳамдир.

Бугунги кунда районимиз-  
да 23 та аттестация комис-  
сиеси ишлаб турибди. Ўтган  
даврда 343 коммунист аттес-  
тациядан ўтказилди. Улар-

нинг 94 нафари шартли ат-  
тестация қилинди. 19 комму-  
нист умуман аттестация қи-  
линмади.

Бу тадбир натижалари  
партия йиғилишларида кў-  
риб чиқилмоқда. Аттестация  
хулосаларига кўра ҳозирга-  
ча 5 киши КПСС сафидан  
ўчирилди, бошқа коммунист-  
лар ҳам тегишли жазоларини  
олдилар.

КПСС Марказий Комите-  
тининг Тезисларида партия  
сафларининг сифат состави,  
коммунистларнинг авангард-  
лик роли масалалари ҳам  
тилга олинган. Улар райони-  
миз партия ташкилотларида  
кең муҳокама қилинмоқда.  
Коммунистлар жамиятда рўй  
бераётган чуқур ўзгариш-  
лардан келиб чиқиб, бошлан-  
ғич партия ташкилотлари  
фаолиятини жиғидий равишда  
қайта куриш зарурлиги ҳа-  
қида ўз фикр-мулоҳазалари-  
ни билдирмоқдалар.

Менинг фикримча, кам  
сонли, 15 нафардан оз ком-  
мунистларни бирлаштирган  
партия ташкилотлари фао-  
лиятларини қайта куриш жуда  
муҳимдир. Районимизда  
29 та мактаб, ҳунар-техни-  
ка билим юрти бор. Уларда-  
ги бошланғич партия ташки-  
лотлари ҳисобида 3—8 на-  
фардан коммунист бор. Бу  
коммунистларнинг ярмига  
яқини пенсионерлардир. Шу-  
нинг учун улардаги партия-  
вий ишлар кўп ҳолларда но-

мигагина ўтказилади. Шунини  
ҳисобга олиб, XIX Бутун-  
иттифоқ партия конферен-  
циясида кам сонли партия  
ташкилотларини тармоқ при-  
нципи асосида бирлаштириш  
масаласини кўриб чиқиш мақ-  
садга мувофиқ деган тақлиф  
киришмоқчиман. Бу ҳолда  
ҳозирги 25 та мактаб бош-  
ланғич партия ташкилоти  
бирлаштирилиб, район халқ  
маорифи бўлими ҳузурида  
йирик партия ташкилоти ту-  
зиш мумкин бўларди. Соғ-  
лиқни сақлаш, бошқа кам  
сонли ташкилотлар комму-  
нистларини ҳам шу йўл бил-  
ан бирлаштириш мумкин.

Партия йиғилишлари, парт-  
ком, партбюро мажлислари-  
ни ўтказиш мuddати қатъий  
белгиланб қўйилган. Натижа-  
да ана шу мuddатларга рия  
этиш учун бўлар бўлмаста  
мажлисбозлик қилиш ҳолла-  
ри учраб турибди. Шунинг  
учун, партия йиғилишлари  
айниқса партком, партбюро  
мажлисларини етилган, дол-  
зарб масалаларни муҳокама  
қилиш зарур бўлган вақтлар-  
да ўтказиш лозим.

Партия йиғилишлари кун  
тартибини белгилашда ҳам  
муаммолар учрайди. Қўп-  
ица юқори партия ташкилот-  
лари ў ёки бу масалани ал-  
батта муҳокама қилиш тўғ-  
рисида кўрсатма беради. Ма-  
салан, 1988 йилнинг ўтган 5  
ойи мобайнида бошланғич  
партия ташкилотларимиз ўз

иш пландарида белгилангани-  
дан ташқари юқори партия  
органлари кўрсатмалари асо-  
сида туртта масалани кўриб  
чиқдилар. Бу эса партия йи-  
гилишларини пухта тайёр-  
гарлик кўрмасдан, шомша-  
шошарлик билан ўтказишга  
сабаб бўлмоқда.

КПСС Марказий Комите-  
тининг Тезисларида сайлаб  
қўйиладиган органларнинг  
ваколат мuddати тўғрисида  
қизгин баҳс бўлапти. Мен  
ҳам сайлаб қўйиладиган ла-  
возимларни кетма-кет сайлов  
билан чеклаш хусусидаги  
тақлифни кўллаб-қувват-  
лайман. Аммо, сурункасига  
учинчи марта сайлаш учун  
тақлиф қилинаётган тартиб-  
ни иккинчи марта сайлов ўт-  
казиладиганда қўллаш мақ-  
садга мувофиқ бўларди де-  
ган фикрдаман. Шунинг учун  
КПСС Марказий Комитети-  
нинг Тезисларидаги бу фикр-  
ларни ушбу таҳрирда бери-  
лишини тақлиф қиламан.  
«Район ва шаҳар комитетла-  
ридан бошлаб барча партия  
комитетлари учун ваколат-  
ларнинг бир хил мuddати —  
беш йил қилиб тайинлансин.  
Бунда КПССдаги сайлаб қў-  
йиладиган лавозимларини  
эгаллаш кетма-кет иккита  
сайлов мuddати билан чекла-  
ниб қўйилиши лозим. Аммо,  
сурункасига иккинчи мudd-  
датга коммунистлар ташаб-  
буси билангина сайланиш  
мумкин ва бу дарса сайлов-  
га қўйиш ҳақида олдиндан  
қарор қабул қилишни талаб  
этади.

М. АКРОМОВ,  
Паркент район партия  
комитетининг секретари.

ДЕПУТАТ—ИЖРОЧИ  
ДЕМАКДИР

КПСС Марказий Комитети-  
нинг XIX Бутуниттифоқ партия  
конференциясида Тезислари  
билан танишиб чиқдим. Уни  
ўрганар эканман, менда  
баъзи мулоҳазалар туғилди.

Маълумки, халқ депутатлари  
— халқ хизматкорларидир.  
Шундай экан, депутатлар  
доимо халқ орасида, омма  
билан ҳамнафас бўлишлари  
керак. Улар халқ хоҳиш ва  
иродасини Советлар орқали  
рўёбга чиқаришда ижрочи  
бўлишлари лозим. Депутат-  
лар ўзларига топширилган  
ҳар қандай вазифани опера-  
тив, узил-кесил ҳал этишда  
оммавий ахборот воситалари-  
дан эркин фойдаланиш им-  
кониятига эгадирлар. Лекин  
бундай имкониятдан улар  
ҳамиша ҳам ўринли фойда-  
ланмайдилар.

Халқ судьялари, прокурор  
ва милиция бошлиғи каби ла-  
возимларга кадрларни та-  
йинлаб қўйиш мақсадга му-  
вофиқдир. Чунки, улар фақат  
юридик маълумотга эга киши-  
лар бўлиши керак. Қанча ово-  
рагарчилик ва ҳаракатлар би-  
лан халқ судьяларини (номзо-  
длар олдиндан маълум) сай-  
лаш ноўрин, деб ўйлайман.

Ошкоралик йўқ жойда де-  
мократия бўлмайди. Ошко-  
ралик ва демократия даврида  
ҳар бир инсон фақат социа-  
листик тузум ва унинг манфа-  
атини ўйлаб ҳаракат қилади.

З. ЖУРАЕВ,  
меҳнат ветерани, Ўзе-  
бекистон ССР халқ маорифи  
аълочи.

Методологик семинар қатнашчилари шу мавзуда баҳс-дашдилар

## КЎПРОҚ СОЦИАЛИЗМ, КЎПРОҚ ДЕМОКРАТИЯ БЎЛСИН!

В. И. Ленин номли Тошкент  
Давлат университети ижтимоий  
фанлар кафедралари методо-  
логик семинари тингловчилари  
ҳар икки ойда бир марта йи-  
гилишиб, қайта куриш жара-  
ёида пайдо бўлаётган му-  
аммолар хусусида эркин баҳс  
юрיתיб, уларга фан нуқтаи на-  
зоридан баҳо бермоқдалар.  
Навбатдаги семинар машғуло-  
ти КПСС Марказий Комитети-  
нинг XIX Бутуниттифоқ партия  
конференциясида Тезисларида  
олга суртилган «Кўпроқ социа-  
лизм, кўпроқ демократия бўл-  
син» деган мавзуга бағишлан-  
ди.

Семинар раҳбари универси-  
тет гуманитар факультетлар  
фалсафа кафедраси доценти  
Б. Мирабдуллаев баҳс учун  
танланган мавзунинг актуалли-  
гини таъкидлаб ўтди. КПСС  
Программасида эътироф этил-  
ганидек дastлаб бизнинг мам-  
лакатимизда воқеликка айлан-  
ган социализм эндиликда жа-  
ҳон системаси бўлиб қолди.  
Марксизм-ленинизмнинг янги  
ҳажият куриш назарияси ҳалқ-  
аро миқёсда амалда синовдан



ўтди, социализм Ер юзининг  
жуда катта кенгликларига қар-  
ор топди, юз миллионлаб ки-  
шилар коммунистик цивили-  
зациясини бунёд этиш йўлидан  
бормоқда.

Лекин шахсга сизиниш ва  
турғунлик йилларида социа-  
лизм принципларини тўла қар-  
ор топтиришда маълум чеки-  
нишларга йўл қўйилди. Бу кам-  
чиликлар қайта куриш даври-  
да секин-аста берҳам топяпти,  
социализмнинг асл моҳияти  
одомаз кўз ўнгига қайта на-  
моён бўляпти. Ошкоралик ва  
демократия ривожланган сари  
социализм имкониятлари ҳам  
кенгаймоқда.

— Тузумга бўлган садоқат  
ва онгли ҳаракат жамияти-  
мизнинг инсонпарварлик при-  
ципларига ҳаёт бахш этапти,  
— деди мунозарарда сўз олган  
фалсафа фанлари кандидати  
И. И. Махлин. — Лекин маъну-  
риятчилик, буйрукбозлик, бю-  
рократия омма ташаббусини

янада ривожлантиришга тўс-  
қинлик қилмоқда. Бундай ил-  
латлардан қанчалик тез қутул-  
сак, социализм шунчалик кенг  
қанот ёзади, демократия чу-  
қур илдиэ отади.

Бу фикрни фалсафа фанла-  
ри кандидати А. Қодиров, та-  
рих фанлари кандидати Б.  
Жўлдасов яна ҳам ривожлан-  
тирдилар. Лекин ўзаро торти-  
шулар пайтада баъзи фикр-  
ларни нотўғри талқин қилиш  
холлари ҳам бўлди. Шунда  
КПСС тарихи кафедраси му-  
дир, тарих фанлари доктори,  
профессор Л. В. Гентше улар  
фикрини тўғри йўналишга со-  
либ турди.

Айниқса тарихий тараққиёт-  
да халқ ва шахсининг роли ху-  
сусида қизгин баҳслар бўлди.  
Айрим шахслар жамият тарақ-  
қиётига қанчалик таъсир ўтказ-  
масинлар барибир социализм  
ўз қадриятларини йўқотмади.  
Чунки социализм тақдири ай-  
рим шахслар тақдири билан

эмас, балки халқ тақдири би-  
лан боғлангандир. Халқимиз  
жасорати туғайли социализм  
энг қийин давларда ҳам че-  
кинмади. Ҳозир ў ўз қадри-  
ятини яна ҳам тўлароқ  
намоён этмоқда.

Социалистик турмуш тарзи  
ва унинг неъматлари, ҳўжалик  
юрיתיш усуллари ва бошқа-  
рувнинг демократик форма-  
лари хусусида бўлган баҳслар-  
да КПСС тарихи кафедраси  
катта ўқитувчиси Р. Маманоно-  
ва, иқтисод фанлари кандида-  
ти М. М. Спoуш, тарих фанла-  
ри кандидати Ш. Оразимбетов  
ва бошқалар актив иштирок  
этидилар. Улар КПСС Марка-  
зий Комитети Тезисларида бу  
борада олга сурилган гоъялар-  
ни тўла қувватлаган ҳолда со-  
циалистик принципларни тўла  
қарор топтиришга кўмаклашув-  
чи муҳим тақлифларни ҳам ўр-  
тага ташладилар. Бу соҳада  
Советлар ролини ошириш гоът  
муҳимдир. Советлар орқали  
неча миллионлаб кишиларнинг  
активлигини ошириш, турмуш  
фаровонлигини янада ўстириш  
мумкин. Шу жиҳатдан «Бутун  
ҳокимият Советларга» деган  
шiorнинг яна ўртага ташлана-  
ётганлиги бежиз эмас.

«Кўпроқ социализм, кўпроқ  
демократия бўлсин» деган  
мавзуга бағишланган баҳс де-  
вомида маълум илмий тушу-  
нчалар яна ҳам тиниклашди.  
Студентларга ижтимоий фан-  
лардан чуқурроқ билим бе-  
ришда янги имкониятлар очил-  
ди. Ҳар бир методологик се-  
минар машғулот ижтимоий  
фанлар ўқитувчилари фикрини  
янги гоъялар билан тўлдиришга,  
етилган нуаммоларни биргала-  
шди ҳал этишга ёрдам бера-  
япти.

Ж. НОСИРОВ.

Суратда: баҳс пайти.

А. Зуфаров фотоси.

## МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЯКУНЛОВЧИ МАШҒУЛОТЛАР

Икки босқичли  
имтиҳон

Районимиз партия ташкилоты КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашлар сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш тўғрисида қабул қилган қарорини асосида партия ўқув бўйича областимизда бошланган экспериментда актив иштирок этмоқда. Эксперимент ўқувнинг назарий ва методик савиясини, унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилапти. Эксперимент давомида бир неча мактаб ва семинар тингловчилари ҳузурда етакчи олимлар, олий ўқув юртлири ўқитувчилари лекция ўқимоқдалар. Шундан сўнг пропаганда кучи билан семинар машғулотлари олиб бориляпти.

Экспериментга биз олдиндан пухта тайёргарлик қўрдик. Бу масала район партия комитети бюросида, бошланғич партия ташкилотларида, партия ўқув ташкилотчилари семинарида, шунингдек, секретарлар совети машғулотларида қўриб чиқилди. Район партия комитети бюроси қарори билан ташкил этилган потюкларнинг ҳар бирига райком аппарати ходимлари бириктириб қўйилди. Улар анимасига ўқув ташкилотчилари ва пропаганда ташкилотлари зарур ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Потюкларни тузишда тингловчиларнинг касби ва билими алоҳида ҳисобга олинди. Лекциялар тингловчилар истаган тилда ўқилди. 11 та потюкда лекциялар ўзбек тилида, 7 потюкда эса рус тилида олиб борилади. Лекциялар ўқишга республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини, Низомий номида Тошкент Давлат педагогика институтини олимлари таклиф этилди.

Маълумки, машғулотларнинг гоёвий мазмунини, сиёсий йўналишини кўп жиҳатдан пропаганда ташкилотларнинг маҳорати ва боғлиқдир. Шунини ҳисобга олиб одамлар билан ишлашда бую тажриба тўплаган коммунистларни пропаганда ташкилотлари жалб этидик. Диний ҳаракатдаги пропаганда ташкилотлари семинар характери эса ўзгартирдик. Асосий эътибор ўрганилаётган тема бўйича лекцияларни ташкил

этишга эмас, балки уни ўтказиш методикасига қаратилди. Шу мақсадда пропаганда ташкилотлар методик материаллар, район, область, республика ҳаётига оид маълумотлар билан таъминлаб турилди. Пропаганда ташкилотларнинг ўзаро тажриба алмашишуви ҳам кенг йўлга қўйилди. Бу соҳада район партия комитетининг сиёсий-маориф кабинети катта ташкилотчилик ролинини ўйнамоқда.

Ҳафтанинг ҳар сешанбасида район партия комитети масъул ходимлари, сиёсий-маориф кабинет методик кенгаши аъзолари бевосита бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, семинар машғулотлари мазмунини билан танишмоқдалар. Пропаганда ташкилотларида амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бундай рейд якунлари эса кейин район партия комитети секретари иштирокида пропаганда ва агитация бўлимида муҳокама қилиняпти.

Коммунистлар ва партиячилар олган билимлар қайта қуришга хизмат қилишни устидан алоҳида қайғурмоқдамиз. Бу соҳада 353-хитизасолашган кўча механизациялашган колонна, Абдурахмонов номида совхоз, 7-гитиз заводлари бошқармасида ташкил этилган сиёсий ва иқтисодий ўқувлар яхши самара бераёпти. Ўқув йили бошланиши олдиндан ҳар бир пропаганда ўтган хўжалик йили якунлари бўйича маълумотларга эга бўлди. Шу асосда улар навбатдаги вазифаларни тахлил қилишди. Бундай усул тингловчилар активлигини оширишга ёрдам берди. Ильяч номи, Охунбобоев номида колхозлар, жунни дастлабки қайта ишлаш фабрикаси партия ташкилотлари ҳам сиёсий ва иқтисодий ўқув самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Қўнға мактаб ва семинарларнинг раҳбарлари тингловчилар активлигини оширишда ўз тажрибаларига таянмоқдалар. 8-кўча механизациялашган колонна сиёсий мактаб тингловчилар давомида бригада ва участкаларни мустаҳкамлаш юза-

сидан қимматли тақлифлар билан чиқди. Ҳозирги кунда шу тақлифлар асосида бир неча бригада бирлаштирилди. 3-кўча механизациялашган колоннада ташкил қилинган сиёсий семинар тингловчилари С. Ғофуров ишчи икки сешанбада ташкил этиш шарафига қўшимча имкониятлар қидириб топди.

Ярим йиллик ва йиллик ўқув якунлари бўйича заҳат ва имтиҳонлар қабул қилиш экспериментининг асосий белгиларидан бири бўлди, область партия комитети сиёсий маориф уйи тавсияси билан район партия комитети йил бошида заҳатлар қабул қилиш бўйича партия ўқув пропагандистлари билан семинар ўтказди. Семинар давомида тингловчиларни заҳат топиришга тайёрлаш бўйича тавсиялар берилди, 26 январь ва 9 февралда барча мактабларда «Мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантириш — КПССтинг бош йўлидир» курсини ўрганиш бўйича тингловчиларга консултациялар уюштирилди. Кейинчалик заҳатларни қабул қилиш бўйича мактаб ва семинарларда комиссиялар тузилди. Комиссиялар составига пропаганда ташкилотлари, партия бюроси секретарлари, ёки аъзолари, маъмурият вакиллари киритилди. Комиссия аъзолари партия йигилишлари ёки партия бюросида тасдиқланди.

Ўқув йили якунлари бўйича имтиҳонлар икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда қорхоналар, колхоз ва совхоз раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарларидан имтиҳонлар қабул қилинди. Бунда фақат уларнинг назарий билими эмас, йили пайтда коллектив ва бутун районини социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга қандай ҳисса қўшаётганликлари ҳам текширилди. Иккинчи босқичда эса бошқа тингловчилар имтиҳон қилинди. Бундай талабчанлик программани пухта ўзлаштиришга ёрдам бераёпти.

Ўқув йили якунларини тахлил қилиб ютуқ ва камчиликларимизни яна ҳам яқин қўлроқ ҳис этиялмиз. Бу йил йўл қўйилган камчиликларни келаси йилда тақорламаслик учун олдиндан зарур чораларни кўрмоқдамиз.

**Х. САЙДАЛИЕВА,**  
Тошкент район партия комитетининг секретари.

ПРОПАГАНДИСТ МИНБАРИ

ДОҲИЙ МЕРОСИГА  
ҚИЗИҚИШ

Марксча-ленинча таълим системаси ўз моҳияти билан коммунистлар ва партиячилар активларга илғий коммунизм асосчиларининг асарларини чуқур ўргатиши керак. Лекин турғунлик йилларида сиёсий ўқув тингловчилари В. И. Ленин асарлари билан батафсил таништирилмасди. Пропаганда ташкилотлари кўп ҳолларда фақат қитъа келтириш билан чекланишди. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида партия марксизм-ленинизм таълимотига асосланиб, ижтимоий тараққиёт назарияси ва стратегиясини, ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш, социалистик йигилишнинг идеологиясини шакллантириш, омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик, кадрларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишларини олиб бориш зарур, деб тўғри таъкидланди.

Сиёсий ўқувни қайта қуриш жараёнида ҳар бир мавзу В. И. Ленин асарлари билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиляпти. Тингловчиларда дохий меросига қизиқиш ортаётганини сезилиб турибди.

Мен тўрт йилдан бери пропаганда ташкилотларида қилмоқдаман. Якунланган ўқув йилимиз семинар машғулотларида 21 тингловчи билим олди. Улар машғулотларга қўйилган кўришда методик тавсияларда кўрсатилган В. И. Ленин асарларини ўқиб чиқдилар, энг муҳим масалаларни конспект қилиб олишди.

Машғулотларнинг биринчи тингловчиларга ёш пропаганда ташкилотлари учун В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида ташкил этилган ўқув ҳақида ҳикоя қилиб бердим. Ушанда бизга Владимир Ильичнинг Халқ Комиссарлари Советининг Раиси сифатидаги бир кунлик ишнинг сўзлаб беришган эди. Семинаримиз қатнашчиларига дохийдан ишчанлигини ўрганишимиз зарурлигини алоҳида таъкидладим.

Биз машғулотларда В. И. Лениннинг сўнгги хат ва мақолаларини ҳам ўргандик. Уларнинг моҳиятини чуқурроқ тушунишда «Правда»да эълон қилинган «Ленинча жумаликлар» махсус саҳифалари жуда қўл келди.

Мактаблар, техникум ва институтларда В. И. Ленин асарларини ўрганишни тубдан яхшилаш зарур, деган фикрдаман. Масалан, семинаримизда шугулланаётганлар асосан олий маълумотга эга бўлсалар-да, дохийнинг энг машҳур асарлари тўғрисида ҳам юзакни тасаввурга эгалар ёки уларни умуман билмайдилар.

Биз сўнгги машғулотларимизни КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўрганишга бағишладик. Бу муҳим партиявий ҳужжат ҳақида тингловчиларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улардан Р. Абдуҳакимова, А. Ваҳобовлар Тезислардаги сайланиш мўддатлари, бошланғич партия ташкилотлари ишчи қайта қуриш бўйича тақлифлар киритдилар.

Турғунлик йилларида юзага келган вазият эндиликда Ленин гоғаларида асосланган ҳолда иш қуришни, унинг ниҳоятда бой гоғий меросига қўпроқ мурожаат қилишимизни тақозо этмоқда.

**Ҳамза НАСИМОВ,**  
Оржоникидзе районидagi «Коммунист» колхозини назарий семинар пропагандисти.

✦ Тошкентдаги «Қизил тон» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси кутубхонасида турли мавзулардаги адабиётлар, газета ва журналлар жамланган. Якунловчи машғулотлар олдиндан сиёсий ўқув тингловчилари ўтилаётган мавзу-

ларга оид нашрларни яна бир бор кўздан кечириб чиқдилар. Бу уларнинг имтиҳонлардан муамфақиятли ўтишларига ёрдам берди. **СУРАТ-ДА:** кутубхона залида.

**А. Зуфаров** фотоси.

Навбатдаги машғулотда Тошкент политехника институтини доцент Юсуф Мухамедовнинг лекцияси тингланди. Экспериментга ўтилгандан бери шундай бўляпти. Умумий лекцияни Тошкентдан келган олимлар ўқишяпти. Машғулотларни эса пропаганда ташкилотларининг ўзлари олиб боришяпти.

«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандисти — Владимир Григорьевич Бородин машғулотда тингловчилардан ўқилган лекция ҳақида фикр сўради.

— Лекция маҳаллий фактлар билан бойитилганда ҳам яна яхши бўларди, — деди Владимир Кочетков.

Бу фикрни бошқа тингловчилар ҳам қувватлашди. Лекция кундалик ҳаётга боғлиқ, муаммолар ўртага қўйилганида яна ҳам таъсирли бўларди. Қорхонада муаммолар оз эмас. Ҳамон меҳнат интизомини бузиш ҳоллари учраб турибди. Шу ўринда коммунистлар сле-

ТАЪСИРЧАН УСУЛЛАРНИ ИЗЛАБ

сарь Х. Абдуллаевни эслашди. У пассивлиги учун аттестациядан ўта олмади, партия сафидан чиқарилди. Айланма печ машинистлари В. Шулаков, А. Криленко эса машғулотларда мунтазам қатнашмайдилар.

Бундай муҳокама кишиларга таъсир қилмай қолмапти. Тингловчилар интизомини мустаҳкамлаш, машғулотларда актив иштирок этиш зарурлигини ҳис этмоқдалар. Сўнгги машғулотларда улар ўқув йили давомида темаларни қандай ўзлаштирганликлари ҳақида ҳисоб бердилар. Имтиҳон пайтида пропаганда ташкилотлари билдирди. Бир қатор темалар бўйича конспект олинмаганилиги, қироатхонликка берилаётганлиги таъкидланди. Якунловчи машғулотларда камчиликлар бир-бир тахлил қилиниб, келгусида уларни тўғатиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

**Н. АБДУРАСУЛОВ,**  
Охангарон шахри.



## «ТИНЧЛИК ТҮЛҚИНИ» ТОШКЕНТДА

Утган кун Марказий телевидениенинг «Время» ахборот программаси орқали олим Бомбардимонига дучор бўлган Япониянинг Хиросима шаҳрида «Тинчлик тўлқини» бошланган

кўрсатилган эди. Жаҳон Тинчлик кенгаши бу тадбирни иккинчи марта ўтказмоқда. У ҳозир Нью-Йоркда давом этаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг

қуролсизланиш бўйича махсус сессиясига бағишланган. Бу гал «Тинчлик тўлқини» тўрт кун мобайнида жаҳоннинг 40 мамлакатини орақли ўтади.

Урушга қарши кучлар хоҳиш-иродасининг бу қудратли намойиши бугун республикамиз пойтахти ва областимизда

ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топади. Тошкент шаҳри ва Охангарон райони «Тинчлик тўлқини»нинг ўзига хос марказ бўлади. Бу ерларда тинчлик тарафдорларининг оммавий митинглари, тинчлик юришлари, бирдамлик ярмаркалари ва бошқа тадбирларни ўтказиш

режалаштирилган. Кўча ва хиёбонларда халқ сайллари ўтказилиб, тинчликни мадҳ этувчи шеърлар, куй ва қўшиқлар янграйди.

Совет Тинчлик комитетининг Тошкент бўлими областимиз барча аҳолисини «Тинчлик тўлқини» тадбирларида фаол иштирок этишга даъват қилади.



## ҚАЙТА ҚУРИШ: СЎЗДА ВА АМАЛДА

## РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ТАШНАЛАР  
НОМИДАН  
ЁЗДИМ

ЧЕТДАН келган меҳмонларга қўз-қўз қилиб қўрсатиладиган колхоз территориясида яшаб, ташналикдан шикоят қилсанг, ўзинга ҳам эриш туюлар экан. Аммо навора, бор ташни айтиш айб эмас, аксинча, кўпчиликнинг гамини ейишдир.

Афсуски, меҳмонларга колхознинг марказий посёлкасини намуна қилиб қўрсатишда-ю, бироқ узоқ участкаларга олиб бориб, уларда яшайдиган аҳолининг турмуш шароити билан таништиришмайди. Масалан, ҳўжаликнинг Нов участкасидаги Ойбек маҳалласи шароитини олайлик. Фақат «Ленинизм» колхозидан эмас, балки Янгийул районида сувсизликдан азоб чекаётган бундай участка бўлмаса керак. Водопровод жўмрақларидан сув келмай қолганига бир неча йил бўлди. Маҳаллий ташкилотларга мурожаат қилавериб чарчадик, нажот бўлмади. Ҳатто, район Совети ижроия комитети ҳам ҳеч нарса қила олмади.

Ниҳоят редакцияга мурожаат қилишга мажбур бўлдик.

Дарвоқе, яна бир нарсани айтиб қўям, мен бу хатни қишлоғимиздаги ҳамма ташналар номидан ёздим-у, аммо уйма-уй юриб имзо йиғмадим. Чунки, шундай қилсам халқ ўртасида гап оралаб, фалончи «ёзадиган»лардан экан, деган маломатга қолардим. Бундайлар эса ҳеч қачон раҳбарларга ёлмайдилар. Хатга яна ўзим имзо қўйган бўлсам-да, аслида Ойбек маҳалласида-ёш, эркак-аёлларнинг талаб-истагидир бу.

Х. ОРИФЖОНОВА.

«Тошкент ҳақиқати» бонг уради!

РЕДАКЦИЯДА телефон жиринглади. Трубкани кўтардик. Смининг нариги томонидаги одам жингибйрон эди:

— Бу «қайта қуриш, қайта қуриш», деб кўп жар солаётимизу, амалда эса ўзгаришларни кўрмаётимиз. Фақат дейсизми! Ма-на, биз икки ҳафтадан бери ишсиз ўтирибмиз. Цемент йўқ! Кеча трестдаги йиғилишда «цемент ўн кундан кейин бўлади» дейишди. Демак, яна ўн кун ишламас эканмиз! Трест раҳбарлари у-бу баҳоналар билан ўзларини четга олиб юришибди. Бизга цемент, иш керак. «Ташкентводстрой» трести ишчилари номидан ўтириб сўраймиз — ёрдам беринглав бизга!

— Узингизни таништирмадингиз!  
— 4-механизациялашган кўча колонна бригадир Валерий Барсуковлан...

«Ташкентводстрой» трести бош инженерининг қабулхонасига кириб бу ерда суҳбатлашиб турган уч-тўрт кишининг гапига беҳтёр кўлоқ тутамиз. Суҳбатнинг мавзуси — цемент! Демак, телефон қўнғирогидан жон бор экан. Йигитларнинг суҳбати охиригача, улардан бири — куйиб-пишиб гапирётган йигит билан танишамиз: 3-механизациялашган кўча колонна бошчилигининг ўринбосари Тоҳир Тожибоев қайтадан «портлаб» кетди:

— Йигитларим ишсизликдан зерикиб кетди, базиларни ишдан бўйшага ариша ҳам ёза бошладилар. Бу йил негадир цемент масаласи чатоқ бўлиб қолди. Ўзим беш-олти марта «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасига бориб келдим. Директор «25 июндан кейин оласан» дейди. Унгача нима бўлади десам, мен билмайман, деб елка қисади.

— Цемент олиш планингиз қанча эди?

— Иккинчи кварталда 600 тонна олишимиз керак эди. Шундан апрель ойида 180 тонна олдик. Қолганини эса... квартал туташига беш кун қолганида олар эканмиз. Объектларда қанча ишларимиз тўхтаб ётибди. Биз Паркент районида ишляпмиз. Сентабрий ойида ўқувчиларни бағрига оладиган «Коммуна» совхозидagi мактаб қурилиш ҳали ҳам «осилиб» ётибди. Унга 2 квартири, учта 8 квартири турр-жой биноларидаги ишларимиз ҳам чала. Қўраётган сув насос станциясини ҳам ярим йўлда қолган. Бу чалакам-чотти ишларнинг ҳаммаси цементга қараб қолган. Шунга кўра ишчиларимизнинг ойлиги тенг ярмига пасайиб кетди...

Бош инженер кабинетига кирдик. Александр Иванови Кирковга телефондаги ва қабулхонадаги суҳбатни айтиб тўғатмасимиздан у калласини лиқиялатиб «тушунорли» ишорасини қилди. Шу орада қанча трест бошқарувчисининг ўринбосари Б. Бекман кириб келди. Икковлашиб олдимга ҳўжжатларни қалаштириб ташладим. Сўнг, «Айб бизда эмас» дегандек бу ҳўжжатларга бир-

жарилди. Ҳозир давлат буюртмалари бўйича ишляпмиз.

— ЦРППП ҳақида нима дейсиз?

— Бу нарса бизнинг хоҳиш-истагимиз билан бўлмаган. Бу ўринда фақат бир нарсани айтишим мумкин: биз илгари планларни ошириб бажарар эдик, ҳозир эса заводимизда катта синов тадбири ўтказилганга ўнчун планлар вақтинчалик ошириб бажарилмапти.

Александр Павловичнинг гапларидан бирор ноқонуний йўлни, тартибсизлиқни сезмадик. Бироқ, биз мақсадимизга эриша олмадик — жумбоқ ечимлади.

— Бу масалада сиз «Ўзгаводстройматериал» бошқармасига бориңг,— деб маслаҳат берди бирлашма директори. Бошқарманинг цемент бўлими бошлиғи Баҳодир Пиримқу-

етишмаслигини кўрадиган бўлсак, бунинг натижасидagina май—июнь ойларида бир ярим миллион сўмлик иш бажарилмапти!

Цементни қурилишнинг но-ни дейишди. Ўсиз ғишт териб бўлмайди, бошқа қатор иш-ларни цементсиз бажариб бўл-майди. Трест йил давомида 30 миллион сўмлик иш бажариши-ни ҳисобга олсан, ўтган беш ойда коллектив пландан 900 минг сўмлик орқада қоляпти. Сабаби — цемент йўқ, ишчи-лар бекор ўтиришибди!

У қачон бўлади? Баҳодир Пиримқулов Борис Бекмандан ЦРППП бўйича қан-ча маҳсулот олиши кераклигини қайтадан сўради ва яна ал-ланималаринидир ҳисоблаб:

— Сизлар ЦРППП бўйича 201 тонна цемент олишингиз керак,— деди.

Б. Пиримқуловнинг гапига қараганда, ЦРППП бўйича оли-надиган маҳсулот квартал пла-нидаги микдорнинг 4 процен-ти ҳажмида бўлиши керак. Трестнинг квартал плани 5040 тонна. Шундан 4 проценти — 201 тонна! Трестга эса ЦРППП бўйича цемент олиш «1000 тон-на» деб ёзилган. Бу — 4 эмас, 20 процент! Демак, қандайдир нотўғри ёки ноҳақ қайта таксис-мот оқибатида трест коллекти-ви 799 тонна «қонуний» це-ментдан маҳрум бўлиб, минг-лаб ишчилар қурилиш объект-ларида бир неча кунлаб «оч» ўтиришибди.

— Бу ҳисоб-китоби «Вод-стройкомплект» ишлаб чиқа-риш техника комплекцияси бirlaшмаси бажарган,— деди Баҳодир Пиримқулов саволи-мизга жавобан.

Жумбоқ ечимландек бўлди: биринчи айбдор — ҳали йўқ «янги қувват»ни 1988 йил пла-нига киритган ва у ишга туш-магандан сўнг қурилиш таш-килотлари олажақ цементни 4 процентдан камайтиришга мажбур қилган Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министриги. Иккинчи айбдор — «Ташкентводстрой» учун ЦРПППни 4 ўрнига ҳўфа равишда 20 процент белгилаб уни чўчимда қоққан «Вод-стройкомплект» бирлашмаси.

Уйлаймизки, Бинокорлик материаллари саноати минис-трига ва оқорида номлари тилга олинган икки йирик қу-рилиш ташкилотига раҳбар бўлиш Ўзбекистон ССР Сув ҳўжалиғи қурилиш давлат ко-митетидagi бу ишга мутасадди ўртоқлар танг аҳволини бартараф этиш учун тезда зарур чораларни кўрадилар.

А. ҒУЛОМОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

«ЦЕМЕНТ  
ЙЎҚ!» НЕГА?

(цемент комбинатидан план ошириб бажарилган тақдирда маркалашган усулда қайта таксимилаш) йўли билан трестга «қайтарилди».

— Худди ана шу ЦРППП бо-шимизга бало бўлди,— дейди Борис Лазеревич.— Ҳамма ишсиз орқага кетаяпти. Об-ъектларни айлангани боришга, очигини айтганда, қўрқаямиз. ЦРПППни ким ўйлаб топган билмайман. Биз эса йил бо-шида планга кўра таксимила-ган цемент бўйича объектла-римиздаги ишларни планлаш-тиртганимиз. Энди ЦРППП бўй-ича «Ахангаранцемент» бирлаш-маси давлат планларини оши-риб бажарган тақдирдагана цемент оламиз, ошириб ба-жармаса бизга цемент йўқ эмиш, Эртанга ўхшайди, тўғ-рими? Бироқ, афсуски, бу эр-так эмас, айна ҳақиқат. Биз-нинг қурилиш объектларимиз эса плали!

Калаванинг учини қидириб, сирли занжирга дуч келиб қолдим. Бу жумбоқни ечиш учун Б. Бекман билан Оханга-ронга йўл олдик.

— Белгиланган план-топши-риқларни бажаряпмиз,— дей-ди бирлашма директори Алек-сандр Федоров.— Масалан, ўтган ойда шартнома мажбу-рияти бўйича маҳсулот етқа-зиб бериш 100 процента ба-

жариш. Болалар қатъий рад жавабини беришди. Ушанда ҳали бешпятигдаёқ тирик етим қолган кенжа фарзанд отасини ўз уйига олиб кетди. Кеңирилмас хатога йўл қўйган бўлса-да, у отасини кечирди. Тўғриси у бунга ўзини мажбур қилди. Отасини қўлидан кучи кетган пайтида ҳар кимларнинг эши-гида тили қисий, ранги-руйи бир ҳолатда юрганни қу-рилиш истамади. Нима қил-са ҳам фарзанд фарзанд, ота-ота-да?!

Хўрматли Р. Асқаров! Отангизни кечирмасданки сизнинг ҳақиқингиз бор! Ле-кин одам қўйилганда, адаш-ганда суяш ҳам муқаддас, инсоний бурк-ку! Отангизнинг қилган айби оддий хато ва адашш эмас, тушунаман. Лекин барийор сизда унинг қони бор, уни кеңира олсан-гиз, бу сиз томонингиздан қилинган аjoyиб фидойилик бўлар эди.

Гулсара ИСМОИЛОВА,  
Ўзбекистон ССР Фан-лар академияси тил ва адабиёт институтини ил-мий ходими.

## • Менимча...

## УНИ КЕЧИРСА БЎЛАДИМИ?

Р. Асқаровнинг «Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 9 апрель шанба сонидagi «Бу-нақа ота керакмас...» сар-лавҳали мақоласини ўқиб чикдим. Юраги аламдан ўр-таиб ёнган онамизга, пада-рингизнинг разиллиги, енгил табиятлиги туфайли жабр қў-рган сиз ва жигарларингизга жуда юратим ачиди. Чўқур дард билан ёзилган бу ма-қолангиз менга бир воқеани эслатади. Ён қўшимиз бўл-ган бир аёл худди онамиз-чеккан каби азобларга дучор бўлди. Эри бешта фарзанди, ҳатто, дунёга энди қадам қўйган гўдаги ҳам қўзига кўримасдан «севилмаси»га илашиб кетди.

Орадан йиллар ўтди. Ота бирон дафъа келиб, фарзан-ларини йўқламади, фарзан-лар ҳам уни бора-бора уну-тишди. Онанинг «сочлари сувурги, қўллари қосов» бў-либ бешта фарзандни тар-

биялади, камолга етказди. Уларнинг ҳаммасини олий маълумотли қилди. Ёнг асо-сий улар она орзу қилган, унинг боғлаганидек меҳнат-каш, меҳрибон бўлиб ўсиш-ди. Она ўғилларини уйла-тирди, қизларини узатди. Улар ўз-ўзларидан тинчиб кетишди. Кўнгли кемтик бо-лаларга оқ фотиҳани қўши-лар берди, қариндош-уруғ бахт тилади.

Аммо йиллар ўтиши бил-ан онанинг сочлари оқарди, тишлари тўкилди, бевақт ка-риди. Ҳа, ҳали вақти етмай туриб меҳнат, қалб жароҳа-ти унинг қаддини дол қил-ди. Бироқ иродаси букилма-ди. Бунда унга ёру дўстла-ри, қўни-қўшнилари, яхши одамлар қўмақлош бўлишди.

Қаранг-а, одам одам билан урашаркан. Кутлаларда ота ўртага одам қўйди. Ай-тишларича, уни ўғай фар-зандлари сиздиришмаётган

## • Мактуб ва шарҳ

## ИККИСИ ҲАМ АЙБДОР

«МЕН, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси-нинг 3-«Красновосточное» депосида трамвай ҳайдо-чиси бўлиб ишляпман. 1988 йилнинг 3 январида мен бошқарайтган трамвай «Москвич» машинасига урилди. Айбни эса менга ағдарияпти. Ҳўқ қарор топиш ке-рак, менда айб йўқ!».

УШБУ хатта Фрунзе рай-он ички ишлар бўлимининг тергов бўлиминасидан жавоб олинди. Унда айтилишича, М. Зиётов бошқариб бора-ётган трамвай Н. А. Покре-пин бошқарайтган «Моск-вич» автомашинаси билан тўқнашган. СССР Йўл ҳара-кати қоидаларининг П. 1, пунктини бузган Н. А. По-крепин ва ушбу қонданнинг 14.4 пунктига риоя қилма-ган М. Зиётовларнинг айби билан йўл-транспорт ҳо-диси содир бўлган. Авария оғир оқибат келтириб чи-қармаган. Шунга кўра, тер-говчи Р. Асанов Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг

7-модда 2-параграфи ва Ўз-бекистон ССР Жиноят про-цессуал кодексининг 94-мо-дасига асосланиб 1988 йл-нинг 28 январдаги қарори билан жиноий иш қўзғаш-ни рад этди.

Йўл ҳаракати қоидалари-ни бузгани учун Н. А. По-крепинга маъмурий жазо белгилаш учун унинг ҳай-довчилиги гувоҳномаси ва қарорнинг нусхаси Фрунзе район Давлат автомобиль инспекцияси бўлимига юбо-рилган. Трамвай ҳайдовчиси М. У. Зиётовнинг ҳўжжат-лари эса Куйбишев район ГАИ бўлимига жўнатилган.

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

• Москва—Вашингтон

МУЛОҚОТ ВА  
ҲАМКОРЛИК УЧУН

Иккала мамлакат ўртасидаги узоқ муддатга мўлжалланган муносабатларни ривожлантириш учун амалий пойдевор қўяр экан, Совет — Америка мулоқоти ана шу муносабатларни нормал, соғлом ўзига ўтказиш, уларнинг барқарорлиги ва келажакда қандай бўлишини олдиндан билиш даражасини оширишга хизмат қилади. Москвада олий даражада ўтказилган Совет — Америка учрашувининг якунлари ҳусусида баён этилаётган кўндан-кўп фикрларнинг моҳияти ана шундай. Матбуот КПСС Марказий Комитети Сибсий бюроси АҚШ президенти Р. Рейганнынг СССРга расмий визити чоғида М. С. Горбачев бажарган ишни ва олий даражадаги Совет — Америка музокаралари якунларини тўла-тўқис маълумлади, деб хабар бермоқда.

✦ ЧССР. Ҳанузгача инсоният фақат қуролини келди, эндиликда эса у қуролини эъланиши ўрганилган, деди ЧССР ташқи ишлар вазири Богуслав Хнеупек. У олий даражадаги Москва учрашувига юксак баҳо берди. Бу учрашув, деб таъкидлади у, қуролини эъланиши ишлари яна бир қадам олға силжитди, қуролини эъланиш учун қўлай психологик муҳит яратди. Эндиликда давр талаби бўлиб қолган қуролини эъланиш орқали хавфсизлигини яратиш концепцияси янги мазмун ва янги мезон касб этмоқда. Барча бахсларни, жумладан, турли системаларнинг муҳолифчилигини ҳам ҳозирги ядро-космос асрида куч ишлатиб ҳал қилиб бўлмайди, деб уқтирди у. Инсоният ўз жонига ўзи қасд қилишдан иборат бўлган ядро можароси сиёсий-иқтисодий, идеологик ва бошқа қандайдир мақсадларга эришишнинг воситаси бўла олмайди. ЧССР вазири Европада мамлакатларга мурожаат қилиб, Атлантикадан Уралга қадар — Европанинг бутун территориясида қуролини кучлар ва оддий қуроли-яроғларни қисқартириш тўғрисида жиддий музокаралар бошлашга даъват этди, химиявий қуролини тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияни тезроқ ишлаб чиқишни қўлаб-қувватлаб гапирди. Ядро қуроли синонларини батамом ва ялпи тақиқлашни, айниқса, пайсалга солиб бўлмайди, деб таъкидлади вазири.


✦ ХХР. Давлат Кенгашининг бош вазири Ли Пэн Польшада чиқадиган «Республика» газетаси муҳбири билан суҳбатда «Хитой ҳукумати АҚШ ва СССР рақибларининг яқинда бўлган учрашувига ҳамда ўртача ва катроқ олислик ракеталари тўғрисидаги Совет — Америка Шартномасининг имзоланишига ижобий баҳо бермоқда», деб таъкидлади.

✦ АҚШ. АҚШ президенти-нинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Колин Пауэлл Москвада ўтказилган олий даражадаги Совет-Америка учрашувига юксак баҳо берди. Бу учрашув совет рақибияти билан бўлажак учрашувлар учун замин

яратган низоҳатда муҳим воқеа бўлди. СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яна ҳам барқарорроқ негизга қўйди ва бу муносабатларнинг рақибияти учун имкониятлар яратди, деди у «Уорлдет» программасида сўзга чиқиб. Совет Иттифоқида ўзгаришлар содир бўлмоқда, деди у. Бу бизга илҳом бахш этиб турибди ва биз Совет-Америка муносабатлари истиқболига умидворлик билан баҳо бермоқдамиз. Иккала мамлакат стратегик ҳужум қуролиларини тенг яримга қисқартириш тўғрисида битим тайёрлаш истиқболлари ҳақида гапирар экан, Пауэлл бундай битим тузилиши мумкин ва унга эришиш йўлида силжиш бўлди, деган фикрини айтди. «Фикримча, стратегик ҳужум қуролилар тўғрисидаги ахднома Қўшма Штатларнинг миллий манфаатларига мос бўлиб тушади ва бу Совет Иттифоқининг ҳам миллий манфаатларига мос бўлади, деб умид қиламан. Бу, — деб таъкидлади у, — битимга эришиш учун асосдир». Айни вақтда Пауэлл космик қуролилар тўғрисида АҚШнинг позицияси ўзгарагани йўқ, деб таъкидлади. АҚШ президенти, деди у, стратегик мудофаа системаларини ишлаб чиқишга азму қарор берган ва «стратегик мудофаа ташаббуси» программасини амалга оширишни давом эттириш ниятдадир.

✦ ГФР. Олий даражадаги Москва учрашувини Совет-Америка муносабатларига янги барқарорлик бахш этди ва Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатлар учун янги истиқболлар очди, деди ГФР ташқи ишлар вазири Г.-Д. Геншер «Экспресс» газетаси муҳбири билан суҳбатда. Бу тўғри йўлди, чинакам барқарорлик йўлидир, Европада ҳамкорлик ва кескинликни юмшатиш йўлидир, деб таъкидлади у. Геншер шу йилнинг ўзидеёқ стратегик потенциалларни 50 процент қисқартириш, бутун жаҳонда химиявий қуролини тақиқлаш, шунингдек Европадаги оддий қуроли-яроғлар тўғрисида музокаралар бошлаш учун ахдномага эришилади, деб умид билдирди. Европадаги хавфсизлигининг бош муаммоси худди ана шундир, деб таъкидлади у.

[ТАСС, 8 июнь].



✦ Дания Коммунистик партиясининг марказий матбуот органи «Ланд оф фольк» («Мамлакат ва халқ») газетаси обрў-эътибори йил сайини ошиб бораёпти. У Копенгагенда нашр этилмоқда. Газета мамлакат меҳнаткашлари манфаатларини ҳимоя қилишда, кишиларнинг интернационализм руҳида тарбиялашда, тинчлик ва қуролини эъланиш учун курашда катта тарғибот ишларини олиб бормоқда. СУРАТЛАР. ДА: редакцияда ишчанлик кайфияти (юқорида); Копенгагендаги уйлар деворига осиб қўйилган шиорларда газета кенг реклама қилинган (ўнгдан); газетанинг Копенгагенда бўлиб ўтган байрамида таниқли санъаткорлар хизмат қилиши (пастда).

ТАСС фотохроникаси.

Жаҳонда СПИД касалига чалинган  
кишилар сони тўғрисида  
янги маълумотлар эълон қилинди

ЖЕНЕВА, [ТАСС]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, шу йилнинг 1 июнига қадар Ер юзидagi 138 мамлакатда 94 мингдан кўпроқ одам СПИД касалига чалинганлиги қайд этилган. Бу шу йилнинг апрель ойи охиридаги қараганда қарийб 6 мингга кўпдир. Айни вақтда ЖССТ экспертлари ҳозирги вақтда бутун дунёда 150 мингдан кўпроқ киши СПИД билан оғирган, бу касал вирус юққан кишилар эса 5—10 миллион атрофидадир, деб тахмин қилмоқдалар.

АҚШда 60 мингдан кўпроқ, Европа мамлакатларида 12 мингдан, Африка қитъасида эса 11 мингдан ортқ киши СПИД билан оғирмоқда.

## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«Хазина топган  
хўроз»

● ИШТАХА билан овқат наълаб, у ер-бу ерни чўқиб юрган хўроз... Ёғлиқ чўвалчанг ўрнига қавлаётган жойдан алақандай еб бўлмас матоҳлар чиққанга энаси қотиб, ҳафсаласи пир бўлди. Шу тобда Англия жануби-шарқидаги Стенстиддаги эски норман қасрини томоша қиладиган турист Шерон Диден, хўроз қавлаб чиқараётган бронза ва қумуш тангалар хазинасини кўриб, ҳайратда қолди. Тангаларнинг сони мингтача бўлиб, аниқлаштириш, эрамининг биринчи асрида қадимий римликлар томонидан зарб қилинган ноёб топилмалар экан.

«Совун  
пуфакчалари  
профессори»

● АНА шундай ном билан аталувчи америкалик Э. Пластерер эллик йилдан бери турли мамлакатлар бўйлаб пуфакчали номери билан, қизилқарл гостролларда бўлиб келмоқда. Масалан, у 20 та совун пуфакчаларидан қатма-қат тахланган минора ясади. Шунингдек, махсус репет билан узоқ вақт сақланувчи пуфакчалар ҳам ясай олади. Шундайлардан бири 340 кун ёрилиб кетмай турди. Фақат, оддий шарлардек сал бўшашиб қолди холос.



✦ Англиянинг «Твиннинг» чой ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этилганлигига 280 йилдан ошди. Ҳозир у ўз маҳсулотларини 90 мамлакатга юбораёпти. СУРАТДА: фабрикада чойнинг янги навлари дегустация қилинаёпти. Камера Пресс — ТАСС фотоси.

АНҚАРА, 8 июнь. (ТАСС). Бутун бу ерда Туркия Компартияси Марказий Комитетининг бош секретари Хайдар Кутлу, Туркия Ишчи партияси бош секретари Нихат Саргин ва уларнинг сафдошлари устидан суд бошланди. Мазкур суд мажлиси Анқарадаги давлат хавфсизлиги суди (ДХС) залида очилди, эрта тонгдан бошлаб шу бино олдида демократик жамоатчилик намоёндалари, маҳаллий журналистлар ва чет эл журналистлари тўплана бошладилар.

Анқарадаги суд жараёнининг боришини кузатиб туриш учун бу ерга Европанинг турли мамлакатларидан 70 дан кўпроқ жамоат ва сибсет арбоби, чет эллик юристлар, та-

## ТУРКИЯДА КОММУНИСТЛАР УСТИДАН СУД БОШЛАНДИ

раққилпарвар халқаро ташкилотларнинг вакиллари келдилар. Улар орасида Франция сенатори, машҳур юрист Шарль Ледерман, таниқли грек композитори ва жамоат арбоби Микис Теодаракис (у Греция делегациясига бошчилик қилмоқда), Европа парламентининг депутаты Франсис Вюрцборг. Газеталарнинг хабар беришича, 400 дан кўпроқ маҳаллий адвокат турк коммунистларини ҳимоя қилмоқчи.

Туркиянинг оммавий ахборот воситалари, чет элнинг ахборот агентликлари ва бу ерда ишлаётган хорижий журналист-

лар ана шу суд жараёнига катта эътибор бермоқдалар.

Аммо журналистларнинг қўпчилиги, адвокатлар ва хорижий кузатувчиларнинг анчагина қисмини мажлислар залига киритишмади. Маъмурларнинг баҳонаси бита: давлат хавфсизлиги судининг маъсул вакили мажлислар зали фақат юз кишига мўлжалланган, деб айтган эмиш.

Х. Кутлу ва Н. Саргин суд залига олиб келиниб, суд мажлиси бошлангани эълон қилинганидан кейин химоячилар адвокатлар, журналистлар ва ку-

затувчиларнинг ишлаши учун нормал шароит яратиш мақсадида мажлисни бошқа бинога кўчиришни талаб қилишди. Аммо суд ана шу адолатли талабни рад этди. Х. Кутлу ва Н. Саргин ўзларининг биринчи баёнотларида, бизни сиёсий эътиқодимиз учун суд қилмоқдалар, бинобарин биз суд мажлиси ошқорла бўлишини талаб қилмаймиз, деб таъкидладилар.

Туш вақтида танеффус эълон қилинди. Давлат хавфсизлиги суди вакилларининг айтишича, турк коммунистлари устидан бошланган суд мажлиси уч кун давом этади.

# • ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

## Душанба,

13 июнь

Профилактика муносабати билан душанба, 13 июнь кунин MT-I курсатувлари соат 7.00 дан 11.45 гача УЗТВ канали орқали намойиш этилади.

✦ MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Футбол. Голландия — СССР, 11.35, 16.30 Янгилар, 16.40 Қайта куриш прожектори, 16.50 Иккинчи бўлимлар асослари, 17.20 Мультфильм, 17.30 Салом, музика, 18.20 Пульс, 18.50 Фильм-концерт, 19.20 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 19.50 Футбол, Голландия — СССР, 21.30 «Время», 22.05 Қайта куриш прожектори, 22.15 Бутуниттифоқ журналхонлар конференцияси, 23.15 Дунё воқеалари.

✦ MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.20 Киноальманах, 9.50 Концерт, 10.15 Италия тили, 10.45 Болалар учун фильм, 11.55 Концерт, 12.35 «Алий лақаби чегарачи ит», Бадий фильм, 13.40 Ҳужжатли фильм, 14.25 Янгилар, 14.35 Қизил ва қора, Бадий фильм, 1-серия, 18.35 Янгилар, 18.45 Совет Иттифоқида хизмат қилган, 19.45 Музикали кинос, 20.15 Ҳужжатли фильм, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Халқаро панорама, 21.30 «Время», 22.05 Қайта куриш прожектори, 22.15 Реклама, 22.20 «Паролни икки киши биларди», Бадий фильм, 23.45 Янгилар, 23.50 Енгил атлетика.

✦ УЗТВ

15.00 Ҳужжатли фильмлар, 15.55 «Абитуриент-88», 16.30 Болалар учун фильм, 18.00 Янгилар, 18.10 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 18.40 Мультфильм, 18.50 Мактаб ислоҳоти — ҳаётга, 20.00 «Ахборот», 20.20 Телефильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 Қайта куриш прожектори, 22.15 Сатирик новеллар, 23.00 Телефильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА  
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН  
ПРОГРАММА

19.30 «Яшаш учун тугилганлар», Бадий фильм, 20.55 Шаҳар юмушлари ва муаммолари, 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

## Сешанба,

14 июнь

✦ MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Футбол шарҳи, 9.35 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 10.45, 16.20 Янгилар, 16.30 Қайта куриш прожектори, 16.40 Болалар учун фильм, 18.05 Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг делегатлари, 18.50 Футбол шарҳи, 19.20 Дунё воқеалари, 19.35 «Денгизга нима бўлади?», 20.20 Ҳужжатли фильм премьераси, 21.30 «Время», 22.00 Қайта куриш прожектори, 22.10 Фильм-опера премьераси, 24.00 Дунё воқеалари.

✦ MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.20 Концерт, 9.50 Илмий-оммабон фильм, 10.20 Француз тили, 10.50 Болалар учун фильм,

11.55 Француз тили, 12.30 Ҳужжатли фильм, 13.30 Янгилар, 13.40 Ҳужжатли фильм, 14.10 Қизил ва қора, Бадий фильм, 2-серия, 18.30 Янгилар, 18.40 Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда, 19.25 Концерт, 19.35 Совет Иттифоқи портрети, 20.25 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.40 Бу яраланган қалб эди, 21.30 «Время», 22.00 Қайта куриш прожектори, 22.10 Футбол, ГФР—Дания, 00.05 Тонгги почта, Музикали курсатув, 00.35 Янгилар.

✦ УЗТВ

15.00 Бировнинг хати, Бадий фильм, 16.35 «Абитуриент-88», 17.10 Мактаб ўқувчилари учун, 18.00 Янгилар, 18.15 Мультфильм, 18.25 Элга хизмат: талаб ва тақдир, 19.00 Санъат олами, 19.25 «Ешлик» студияси курсатади, 20.00 «Ахборот», 20.20 КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларини муҳокама қиламиз, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.00 Қайта куриш прожектори, 22.10 Ямбуй ажинаси, Бадий фильм, 23.40 Бугун оламда нима гап!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА  
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН  
ПРОГРАММА

19.30 Фақат ўлган одам жавобгар, Бадий фильм, 20.55 Беш йиллик: ишлар ва одамлар, 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

## Чоршанба,

15 июнь

✦ MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Футбол, ГФР—Дания; Италия — Испания, 10.45 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 11.45, 16.30 Янгилар, 16.45 Қайта куриш прожектори, 16.55 Болалар учун фильм, 18.45 Фидойи шахслар, 19.00 Менга сўз беринг, 19.15 Дунё воқеалари, 19.40 Футбол, Италия — Испания, 20.30 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 21.30 «Время», 22.00 Қайта куриш прожектори, 22.10 Мультфильмлар, 22.30 Қайта куриш: муаммолар ва ечимлар, 24.00 Дунё воқеалари.

✦ MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.20 Концерт, 9.50 Илмий-оммабон фильм, 10.20 Немис тили, 10.50 Болалар учун фильм, 12.10 Немис тили, 12.40 Телевизион ҳужжатли фильм, 13.40 Янгилар, 13.50 Ҳужжатли фильм, 14.10 Қизил ва қора, Бадий фильм, 3-серия, 18.35 Янгилар, 18.40 Футбол, Италия — Испания, 19.30 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт, 21.30 «Время», 22.00 Қайта куриш прожектори, 22.10 Футбол, Англия — Голландия, 00.10 Янгилар.

✦ УЗТВ

15.30 Болалар учун фильм, 17.00 «Абитуриент-88», 17.35 Телефильм, 18.00 Янгилар, 18.15 Мультфильм, 18.25 Мактаб ўқувчилари учун, 19.10 Адабий театр, 20.00 «Ахборот», 20.25 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.00 Қайта куриш прожектори, 22.10 Фильм-концерт, 22.40 Орлеан қизи, Спектакль.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА  
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН  
ПРОГРАММА

19.30 Мишка — артист, Бадий фильм, 20.40 Болалар бизнинг келажакимиз, 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

## Пайшанба,

16 июнь

✦ MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Футбол, Англия — Голландия; Ирландия — СССР, 11.35, 16.30 Янгилар, 16.45 Қайта куриш прожектори, 16.55 Мультфильмлар, 17.15 Концерт, 18.05 Инсон ва қонун, 18.35 Бизнинг бурчимиз, 19.15 Дунё воқеалари, 19.35 Мультфильм, 19.50 Футбол, Ирландия — СССР, 21.30 «Время», 22.05 Қайта куриш прожектори, 22.15 Поштахон — поштахонга, Совет—Америка учрашуви якунларининг муҳокамаси (00.30), Дунё воқеалари.

✦ MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.20 Концерт, 9.50 Испан тили, 10.45 Болалар учун фильм, 12.15 Испан тили, 12.45 Телевизион ҳужжатли фильм, 13.45 Янгилар, 13.55 Ҳужжатли фильм, 14.15 Қизил ва қора, Бадий фильм, 4-серия, 18.35 Янгилар, 18.45 Халқ куйлари, 18.55 Ритмик гимнастика, 19.25 Халқаро ҳаёт бош редакцияси таништиради, 20.25 Телефотоконкурс, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм, 20.55 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 Қайта куриш прожектори, 22.15 Дўстлар ва йиллар, Бадий фильм, 23.20 Ҳужжатли фильм, 23.50 Янгилар.

✦ УЗТВ

15.00 Болалар учун фильм, 16.20 «Абитуриент-88», 16.55 Телефильм, 17.05 Болалар учун театр, 18.00 Янгилар, 18.15 Мультфильм, 18.30 Инсон болалигини бошланади, 19.00 Агротранс ва озиқ-овқат программаси, 19.40 Ҳужжатли фильм, 20.00 «Ахборот», 20.20 КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларини муҳокама қиламиз, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 Қайта куриш прожектори, 22.15 Асал, Бадий фильм, 23.40 Бугун оламда нима гап!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА  
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН  
ПРОГРАММА

19.35 Телефильм, 20.05 Концерт, 20.40 Кинопрограма, 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

## Жума,

17 июнь

✦ MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 10.05, 16.30 Янгилар, 16.40 Қайта куриш прожектори, 16.50 Каланинград телевидениеси студиясининг программаси 17.55 Ҳужжатли фильмлар, 18.15 СССРда Ҳиндистон фестивали, 18.45 Сиз яратган бог, 19.15 Дунё воқеалари, 19.35 Концерт, 20.15 Мультфильм, 20.30 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 21.30 «Время», 22.05 Қайта куриш прожектори, 22.15 «Жақонжиги»

на бахтиёр бола», Ригада курсатилди, 22.35 Телевизион ҳужжатли фильм, 23.40 «Ного».

✦ MT-II

14.25 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси, 18.30 Янгилар, 18.40 Ҳужжатли фильм, 19.00 Ҳайвонот оламида, 20.00 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Катталар учун мультфильмлар, 21.00 Унутилмас музикали кечалар, 21.30 «Время», 22.15 Дўстлар ва йиллар, Бадий фильм, 2-серия, 23.25 Янгилар, 23.30 Ҳужжатли фильм.

✦ УЗТВ

15.00 Камолот сари, Бадий фильм, 16.30 Биология, 17.05 Ҳужжатли фильмлар программаси, 18.00 Янгилар, 18.15 Усмир ва қонун, 18.45 Ёзувчи ва қонун, 19.25 Ҳужжатли фильм, 20.00 «Ахборот», 20.15 Комсомол прожектори, 20.30 «Ахборот», 20.50 Қўна соғлар, 21.30 «Время», 22.05 Қайта куриш прожектори, 22.15 Хат ва ҳаёт, 23.00 Ёшлик.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА  
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН  
ПРОГРАММА

19.35 Уз ақлини билан иш тут, Бадий фильм, 21.05 Кескин танқид остида, 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

## Шанба,

18 июнь

✦ MT-I

7.00 «120 минут», 9.00 Концерт, 9.30 Харакат ҳавфсизлиги учун, 10.00 Хотираларга рейс, 10.50 Мультфильм, 11.00 Социализм мамлакатларида, 11.30 Йиллар, авлодлар, қўшиқлар, 12.30 Ҳайвонот оламида, 13.30 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун, 14.00 Қайта куриш: муаммолар ва ечимлар, 15.30 Дунё воқеалари, 15.45 Музика ва биз, 16.45 Халқаро ҳаёт бош редакцияси таништиради, 17.45 Менга сўз беринг, 18.00 Футбол, ГФР — Испания, 19.45 Мультпликацияда фантастика, 20.05 Сизни цирк артисти Валентин Дикунь тақдир этади, 21.30 «Время», 22.00 Қайта куриш прожектори, 22.10 Концерт, 22.20 Футбол, Англия — СССР, 24.00 Янгилар.

✦ MT-II

8.30 Гимнастика, 8.45 Илмий-оммабон фильм, 9.00 Қайта куриш ва ҳуқуқ, 9.20 Ҳамоҳанглик: расмол Константин Васильев, 11.00 «Здорье», 11.50 Йил фасллари, 12.50 Дин ва сибсат, 13.20 Уй академияси, 13.55 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар, 14.30 Мўжизасиз мўжизалар, 15.30 Ҳужжатли фильм, 16.10 Крепши, Бадий фильм, 18.00 Мамлакат театралари намойиш этади, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Футбол, Италия — Дания, 21.30 «Время», 22.00 Қайта куриш прожектори, 22.10 Иш боши, Телевизион бадий фильм, 23.40 Қадимий рус романслари.

✦ УЗТВ

8.00 «Ассалому алайкум», 9.30 Ҳужжатли экран, 10.30 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан, 11.00 Ёшлик, 11.45 Агар соғлом бў-

лай десанг, 12.20 «Абитуриент-88», 12.55 Қадрдоним Елена Сергеевна, Спектакль, 14.30 Инсон ва замин, 15.30 Техника ижодийи мактаби, 17.05 Рассом ва китоб, 17.50 Телефильм, 18.05 Мультфильмлар, 18.30 Тенгдошлар, 19.15 Тил — маданият кузгуси, 19.50 Телефильм, 20.00 «Ахборот», 20.20 КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларини муҳокама қиламиз, 20.30 «Ахборот», 20.50 Нафосат гулдаси, 21.30 «Время», 22.00 Қайта куриш прожектори, 22.10 Махсус эътибордаги зонада, Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА  
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН  
ПРОГРАММА

17.00 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

## Якшанба,

19 июнь

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ  
КУНИ

✦ MT-I

8.30 Янгилар, 8.45 Ритмик гимнастика, 9.30 Мультфильм, 9.45 «Спортлото», 10.00 «Будильник», 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қилган, 11.30 Тонгги почта, 12.10 Саҳнатчилар клуби, 13.00 Музикали кинос, 13.30 Қишлоқ янгилари, 14.30 «Здорье», 15.15 Футбол, Ирландия — Голландия, 16.05 Терих саҳифалари, 18.40 Бугун — медицина ходимлари кунин, 18.55 «1988 йил қўшиқлари», 19.15 Халқаро панорама, 20.00 Дунёнинг қувончлари, Олти серияли телевизион бадий фильм, 1-серия, 21.30 «Время», 22.05 Билса ҳазил, билмаса чин, 22.50 Нима? Қачон? Қерда? 00.05 Янгилар.

✦ MT-II

8.30 Зарядкага сафланг, 8.45 Тугилган кунининг 85 йиллигига, М. Светлов, 9.40 «Эрудит», 10.40 Рус тили, 11.10 Парвоз эътифог пролетарийлар, 11.25 Ўқитувчи дарсига, 12.00 Саҳнатчилар клуби, 13.00 Фан, назария, тажриба, практика, 13.30 Фалсафий суҳбатлар, 14.30 Ватанин қўшиқлари, 15.15 Соғлом турмуш тарзи ҳақида, 15.35 Эфирда музика, 17.40 Ҳужжатли фильм, 18.15 Телевизион музикали абонемент, 19.15 Олий суд, Ҳужжатли фильм, 21.30 «Время», 22.05 Ҳужжатли фильм премьераси, 22.35 Чет эл фильмлари экранин, 23.45 Янгилар.

✦ УЗТВ

8.30 «Ассалому алайкум», 10.00 Кинопрограма, 10.40 Биргаликда куйлаймиз, 11.00 Китоб — бизнинг дўстимиз, 12.00 Ёшлик, 12.30 А. Қалҳор, «Тобутдан товуш», Диплом спектакли, 14.15 Спорт программаси, 15.30 Уй қандай қурилади, 16.05 «Абитуриент-88», 16.40 Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ, 17.30 Реклама, 17.55 Санъат гунчалари, 18.30 Мультфильмлар, 19.15 Медицина ходимлари кунига, 20.00 «Ахборот», 20.15 Шерият саҳифалари, 20.30 «Ахборот», 20.50 Дала меҳнаткашлари учун концерт, 21.30 «Время», 22.05 «Ахборот» танқид қилади... 22.20 СССР халқ артисти, СССР Давлат ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат муқофотларининг лауреати М. Турғунбоева таваллудининг 75 йиллигига бағишланган юбилей кечаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА  
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН  
ПРОГРАММА

18.00 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

# • ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Таажкубларни, албатта. Биз ҳам дастлаб бунга ишонқирамадик. Қандай қилиб корхона ҳайдовчиси ижарага таксиди олиши мумкин. Тўғри, у ёки бу ташкилот таксомотор парк билан шартнома тузиб, бир неча кунга автомобилни ижарага олганлиги ҳақида жуда кўп эшитганимиз. Лекин, айнан шу корхонанинг ҳайдовчиси билан тузилган бундай шартномани биз ҳам биринчи бор эшитганимиз. Ушбу тажриба мамлакатимизда биринчи бўлиб суялтирилган газ ёнгилгиси билан ишлашга ўтган экспериментал ишлаб чиқариш автокорхонасида қўлланила бошлади. Хўш, бу тажрибани ўтказишнинг сабаби нимада экан, ундан қандай мақсадлар кўзда тутилмоқда. Мухбиримизнинг ушбу саволларига корхона директори Ф. МАМАЖОНОВ қуйидагича жавоб берди.

— Такси машиналарини ҳайдовчига ижарага беришдан ягона мақсад унинг техникага бўлган муносабатини яхшилашдан иборатдир. Очигини айтиш керак. Сўнгги пайтда ҳайдовчилар ўзларига бикритилган автомобилларга нисбатан кўпол муносабатда бўлишмоқда. Бу эса уларнинг юриш мударини анча қисқартирилади. Натижада таксиларни тузатишга кўплаб маблағ ва эҳтиёт қисмлар сарф этиляпти. Автомобилларнинг тез бузилишига яна бир сабаб йўлларимизнинг ёмонлигидадир. Планин тезроқ бажариб, ҳамининг ҳам тўлдиришга уринаётган баъзи, кўпол қилиб айтганда «учар» ҳайдовчилар бунга эътибор бермай машинани ёмон йўлларда ҳам катта тезликда бошқаришади. Ижарачи эса унга топширилган автомобилни авайлаб минишга ҳаракат қилади. Чунки машина ремонтни ҳайдовчи зиммасига юклатилади.

— Файзулла Эргашевич, бу тажриба корхонанинг кооператив таксилар рақобатига бардош беролмаслиги сабабли ўтказилмаётганими?

— Йўқ, албатта. Кооперативлар фаолияти ҳақида ҳам қисман тўхталиб ўтмоқчиман. Мазлумки, уларни тузишдан асосий мақсад тизиз соатларда аҳолининг транспортга бўлган

берилган!

— Иш методининг бу усулидан ҳам корхона, ҳам ҳайдовчи, ҳам аҳоли манфаатдор. Бу ерда албатта аҳоли қандай қилиб манфаатдор бўлиши мумкин деган савол туғилиши табиий. Мазлумки, шахримиз таксомотор паркларни ҳайдовчилари пойтахтимиздан 30 км. масофагача ташқарига чиқишлари мумкин. Ижарачи эса областимиз территориясида жойлашган барча шаҳар ва районларга пассажирларни олиб бориш ҳуқуқига эга. Де-

кирмайди. Ўз навбатида ҳайдовчи топширилган ҳар бир сўмининг 11,04 тийини ҳисобидан маош олади.

— Ижарачи билан корхона ўртасидаги шартнома қанча муддатга тузилади?

— Бу ҳайдовчига боғлиқ. Бизда энг қисқа муддат 3 ой, ўртачаси 6 ой, энг узун муддат 1 йилгача тузилади.

— Мазкур тажриба ҳайдовчилар томонидан қандай кутиб олинди? Ҳозирги кунда неча киши автомобилни ижарага олиб ишламоқда?

— Ҳар бир бошланғичангилликнинг ўзига хос қийинчиликлари бўлади, албатта. Дастлабки пайтда ҳайдовчиларимизнинг аксарияти бу ишдан бирон натижа қилишига ишонмади. Улар орасида бизни қўллаб-қувватлаганлар ҳам бўлди. Хусусан, 1 классли ҳайдовчи, собиқ жангчи-интернационалист Баҳодир Самедов биринчи бўлиб бу ишни бошлаб беришга ўзи розилик берди. Натижаси чакки эмас. Айни кунларда ҳайдовчиларимизнинг 70 дан зиёда ушбу усулдан ишлаш истагини билдириб ариза беришган. Яқин кунлар ичида яна 50 та таксини ижарага бериш ниятимиз бор.

— Ҳайдовчига автомобилни ижарага беришда нималарга эътибор қилинади?

— Аввало ҳайдовчининг интизоми, унинг оиладаги муносабатлари ҳамда коллектив фикрига алоҳида эътибор берилади.

— Ҳа, ҳозирча ушбу тажриба қандай самара бериши ҳақида фикр юритишга эрта, Лекин янгиллик туғилди. Биз унга ўсиб ўлғайиш, ривожланиш ҳамда ҳақимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишда омад тилаб қоламиз. Йўлинг бехатар бўлсин, янгиллик!

А. ҲАКИМОВ.

## Ижарага такси

эҳтиёжини қондириш эди. Лекин ҳозирги кунда шахримизда фаолият кўрсатаётган кўпгина кооператив аъзолари шартномани кўпол равишда бузишмоқда. Кунига 4 соат ишлашга шартнома тузган шахсий автомобиль эгаларининг 10 соатлаб ишлаш ҳоллари учрамоқда. Баъзилар эса кооперативга аъзо бўлмай «такси» деб ёзилган қоғозни машиналарнинг олд ойнасига ёпиштирганича мўмай даромад ишлаб юришибди. Бунинг оқибатида аксарият ҳолларда давлат таксиси ҳайдовчилари тўхташ жойларида соатлаб туриб қолишмоқда. Токи давлат автомобил инспекцияси, ҳалқ контроли, кооператив раҳбарлари ва бошқа мутасадди кишилар томонидан назорат ўрнатилмас экан, бу борада интизомни тиклаб бўлмайди.

— Таксини ижарага олган ҳайдовчига қандай имтиёзлар

мак, 100 км. дан ортқ масофада жойлашган Бекобод ёки Ангрени каби шаҳар аҳолиси корхонамиз ҳайдовчилари хизматидан фойдаланиш имконига эга бўладилар. Шартномага биноан ижарага берилган барча автомобилларда таксометрлар бўлиши шарт. Шунингдек, ҳайдовчи сутканинг истаган вақтида ишлашга ҳақлидир. Лекин унинг кунлик босиб ўтган масофаси 310 километрдан ошмаслиги лозим. Унга ёнгилги, шина, аккумулятор ва бошқа эҳтиёт қисмлар корхонамиздан улгуржи нархда берилади. Автомобилга бўлган харажатлар корхона томонидан алоҳида қарточкага ёзиб борилади. Унинг бир нусхаси ижарачида туради. Ҳар ойнинг охирида ҳайдовчи кассага 1050 сўм пул (ёъни кунига 35 сўмдан) топшириши керак. Енгилги ҳамда эҳтиёт қисмларига бўлган харажатлар бунга

Диккат, тажриба!



— Яқинда Тошкент шаҳрида Е. Кондратьев хотира соврини учун ўтказилган ўқ отиш бўйича XIX Бутуниттifoқ турнирида мамлакатимизнинг 100 га яқин мерганлари иштирок этишди. Улар орасида бир неча тошкентлик спортчилар ҳам бор. СУРАТДА: тошкентлик мерган Рафазил Мухаммадиров мусобақалар чоғида. «Динамо» Марказий Совети чемпиони бўлмиш бу спортчи жамоат тартибини сақловчилар орасида Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллаган эди.

ЎЗАҒА ФОТОХРОНИКАС.

МУСОБАҚАЛАР

— ФУТБОЛ. ГФРга, Европада чемпионати мусобақаларига қатнашишга келган СССР терма командаси Хартхаузенда Баден-Вюртембергнинг хаваскорлик лигаси клуби билан учрашув ўтказди ва 6:0 ҳисобида ғолиб келди.

— ШАХМАТ. Касаба союзлари кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистон Совети биринчилиги учун ўтказилган дастлабки чемпионатда спорт мастери Валерий Логинов ўн имкониятдан 8 очко тўплаб, чемпион бўлди. У охириги турда ТошДУ вакили А. Блодштейнни мағлуб этди. 7,5 очко тўплаган А. Блодштейн иккинчи ўринда қолди. Т. Вохилов 6,5 очко билан учинчи бўлди.

— ВОЛЕЙБОЛ. Тошкентда аёллар ўртасида СССР кубогининг иккинчи босқич ўйинлари давом этмоқда. Бунда тўрт команда қатнашапти. Олмаотанинг уй қурилиш комбинати ҳамда спорт маҳорати, олий мактаби, Новосибирскнинг «Кировец» ва Тош-

кентнинг «Автомобилист» командалари икки даврада мусобақалашмоқдалар. Биринчи даврага яқун ясалди. Ушбу йўлида ғолиб келган Олмаотанинг уй қурилиш комбинати пешқадамлик қилмоқда. «Автомобилист» иккинчи ўринда бораёпти.

Бугун иккинчи давра ўйинлари бошланади. Гурпада 1—2 ўринларни эгаллаган команда СССР кубогининг учинчи босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

— II РЕСПУБЛИКА СПОРТ УЙИНИЛАРИ. Усмирларнинг спорт ўйинлари программасига кирган бейдэрка ва каноэда эшак эшиш мусобақалари тугади. Тошкент шаҳар вакиллари биринчи бўлишди. Шундай қилиб программаларга киртилган 35 турнинг 33 тасига яқун ясалди. Ниҳоятда етган турлар натижасига кўра пойтахт вакиллари 1051 очко билан олдинда боришмоқда. Тошкент области спортчиларида 800, фаргонликларда 743 очко бор.

ОЧКОЛАР • СЕКУНДЛАР

### Реклама ва эълонлар

#### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

11 июнь соат 19.00 да  
12 июнь соат 16.00, 19.00 да

#### КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

Камолитдин РАХИМОВ

Республикада хизмат кўрсатган артист

Ўринбой НУРАЛИЕВ

Сўз устаси Жанбарали ЖўРАЕВ

ХОНАНДАЛАР: Турсуной МАМЕДОВА, Садин ОМОНОВ ва бошқалар.

Олдиндан билет сотиш кассаси очилган. Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди. Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04, 44-35-84.

### Реклама ва эълонлар

#### Тўйлар муборак!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарга эга бўлган АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОИНИНГ

#### «САМО» АНСАМБЛИ

Бахт ва шодлик оқшомини кўнгилдагидек ўтказишда ХИЗМАТИНИГИЗГА ТАЙЕР!

Ансамбли кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилинишига мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар кун соат 17.00 дан Маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 154, 164-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати, метрода «Чкалов» станциясигача борилади).

Ўзбекистон  
АХБОРОТ  
Я Н Г И  
ЖАМИЯТ

Республикамизда музика санъатини ривожлантириш ва кенг пропаганда қилиш бора-сида қатор муҳим тадбирлар кўрилади. Жумладан, Тошкентда республика музика жамияти ташкил этилди.

Мазкур жамият музика ижодий коллективлари учун ўзига хос мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини ўтказмоқда. Ўзбекистонда бади, хаваскорлик коллективларини ривожлантириш, улар репертуарини бойитиш билан ҳам у яқиндан шугулланади.

Шу билан бирга жойларда турли ижодий ташкилий масалаларни ҳал этишга жамият ҳар томонлама амалий ёрдам беради. У кенгайтирилган иш плани асосида ўз фаолиятини жонлантириб юборди.

С. ОДИЛОВА.

## КОЛХОЗ УНИВЕРМАГИ

Нариманов шаҳридаги «Ўзбекистон» колхозига ободонлаштириш ишлари йўсайин жадаллашапти. Янги вақт ичида бу ерда қишлоқ врачлик амбулаторияси, дори-хона ишга туширилди. Универмаг қурилиши ниҳоясига етмоқда. Шунингдек, бу йил 160 ўринли болалар богчаси билан ҳаммом қуриб битказилади. Хўжаликнинг Жданов, Юсупов, Куйбишев участкаларида эса хонадонларни газлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Ю. МИРЗАКАРИМОВА.

## Кичикинтойлар учун

Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати ишчи-хизматчиларининг фарзандлари учун мўлжалланган янги богча биноси фойдаланишга топширилди. 140 ўриндан иборат мазкур богчада болалар 6 та гуруҳларга бўлинган ҳолда тарбияланадилар. Ҳар бир гуруҳга учун ажратилган хоналар кичикинтойларнинг ёшга мос тарзда безатилган. Деворларга чизилган турли эртак қаҳрамонларнинг расмлари улар учун ҳамisha қизиқарлидир.

г. йулдошева.

Редактор ўринбосари  
Р. УМАРОВ.

## ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов Издаётся на узбекском языке Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими